



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

2024 йил – ЁШЛАР ВА БИЗНЕСНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ йили

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2024 йил 22 февраль, № 39 (8662)

Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ «КЕЛАЖАК ЎЙИНЛАРИ»НИНГ ОЧИЛИШ МАРОСИМИДА ИШТИРОК ЭТДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг таклифига биноан 21 февраль куни «Келажақ ўйинлари» мусобақасининг тантанали очилиш маросимида иштирок этиш учун амалий ташриф билан Қозон шаҳрида бўлди.



Қозон шаҳрига амалий ташриф доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг учрашуви бўлиб ўтди.

Сўхбат аввалида давлатимиз раҳбари Россия Президентини спортнинг аънавий ва виртуал турларини ўзида мужассам этган «Келажақ ўйинлари» биринчи халқаро мусобақаси ўтказилаётгани билан самимий қутлади.

Икки томонлама муносабатларнинг долзарб жиҳатлари, жумладан, ўтган йил 5 — 7 октябрь кунлари Москва шаҳрида олий даражада эришилган келишувларни амалга ошириш масалалари кўриб чиқилди.

Етакчилар Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги кенг қамровли стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатлари изчил мустаҳкамланиб бораётганини мамнуният билан қайд этдилар.

2023 йилда бўлиб ўтган Ҳукуматлараро комиссия йиғилишлари, ҳудудлар, таълим, тиббиёт форумлари, қатор бошқа ишбилармонлик ва маданият тадбирларининг самарали натижалари юксак баҳоланди.

Товар айирбошлашнинг ижобий суръати сақланиб қолмоқда. Саноат, энергетика, транспорт, кимё, фармацевтика ва бошқа тармоқлардаги лойиҳалар фаол босқичга кирган.

Худудлар ўртасидаги кооперация алоқаларини рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Тошкент ва Жиззах вилоятларида «Химград» индустриал технопарклари муваффақиятли ишламоқда. Бухоро ва Навоий вилоятларида янги «Алабуга» ва «Мастер» инновация парклари барпо этилмоқда.

Давлат раҳбарлари транспорт йўлакларини биргаликда ривожлантириш, темир йўл транспорти соҳасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш масалаларини муҳокама қилдилар.

Минтақавий кун тартиби юзасидан ҳам фикр алмашилди, бўлажақ халқаро тадбирлар режаси кўриб чиқилди.

Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Қозон шаҳрида «Келажақ ўйинлари» биринчи халқаро мультиспорт мусобақасининг тантанали очилиш маросимида иштирок этди.

«Қозон Экспо» халқаро кўргазмалар марказида бўлиб ўтган тадбирда Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин, Беларусь Президенти Александр Лукашенко, Қозоғистон Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев, Қирғизистон Президенти Саиди Жапаров, Тожикистон Президенти Эмомали Раҳмон ва бошқа хорижий меҳмонлар ҳам қатнашди.

Иштирокчилар эътиборига «Келажақ ўйинлари» дастурига кирган спорт турлари ҳақида видеолавҳа ва театрлаштирилган сахна кўриниши тақдим этилди.

Давлатимиз раҳбари иштирокчиларга омад тилаб, 2026 йилги «Келажақ

ўйинлари»ни Ўзбекистонда ўтказишни таклиф қилди.

Маросимдан сўнг олий мартабали меҳмонлар махсус кўргазма билан танишдилар. Виртуал макондаги беллашувлар ва аънавий спортни ўзида мужассам этган «Физитал-спорт» концепцияси тўғрисида маълумот берилди.

Етакчилар киберспорт мусобақаларини, физитал-футбол бўйича машғулотлар жараёнини кузатдилар, спортдаги янги йўналишнинг бугунги ривож ва истиқболлари ҳақида ҳикоя қилувчи тасвирий санъат намуналари ва тақдиротлар билан танишдилар.

«Келажақ ўйинлари» — беллашувлар бир вақтнинг ўзида спортнинг аънавий турлари ва уларнинг рақамли муқобилларида ўтказиладиган юқори технологик мусобақадир. У жорий йилнинг 21 февраль кунидан 3 март кунига қадар давом этади.

Турнирда 100 дан ортиқ мамлакатлардан қарийб 300 та жамоа, шу жумладан, Ўзбекистон вакиллари иштирок этмоқда. Ўртдошларимиз физитал-хоккей, виртуал велопоёйга, спорт дастурлаш каби йўналишларда куч синашади.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Қозон шаҳрига амалий ташрифи якунланди.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

«Тўловга қобилиятсизлик
тўғрисида»ги

Ўзбекистон Республикаси
Қонуни қабул қилинганлиги
муносабати билан
Ўзбекистон
Республикасининг
айрим қонун ҳужжатларига
ўзгартириш ва қўшимчалар
киритиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2023 йил 10 октябрда қабул қилинган
Сенат томонидан 2023 йил 20 декабрда маъқулланган

Кейинги йилларда мамлакатимизда тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг молиявий жиҳатдан соғломлаштириш амалиёти кенг жорий этилмоқда. Бундан ташқари жисмоний шахсларни тўловга қобилиятсиз деб топиш асослари ва бунинг оқибатлари қонунчилик даражасида белгилаб қўйилди.

Шу билан бирга «Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қабул қилиниши унинг қоидалари бир хил қўлланилиши учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормаларини унга мувофиқлаштириш заруратини келтириб чиқарди.

Ушбу Қонун билан Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ва кодексларига жисмоний ҳамда юридик шахсларнинг тўловга қобилиятсизлиги аломатлари, шунингдек тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун жавобгарликка тортиш асослари аниқлаштирилишини назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Мазкур Қонун «Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг ижроси самарали ташкил этилишини таъминлашга, унинг ҳуқуқий қоидаларини қўллашда турлича талқинлар ва қарама-қаршиликлар бартараф этилишига хизмат қилади.

(Давоми 2, 3-бетларда).

БИЗ – ДУНЁГА, ДУНЁ – БИЗГА ОЧИҚ БЎЛИШИ КЕРАК

Президентимиз қўйган бу талаб Ўзбекистоннинг
халқаро муносабатлардаги устувор тамойилидир

Ўзбекистон жаҳоннинг барча минтақасидаги шериклар билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик учун ҳамisha тайёр. Хусусан, халқаро экспертлар қайд этганидек, кейинги йилларда давлатимиз Фарб билан муносабатларни мустаҳкамлашга интиломоқда. Айниқса, ташқи сиёсатда Европа мамлакатлари билан янги форматдаги мулоқотларга кенг ўрин берилаяпти.

Мушоҳада

Биргина 2023 йилдаги воқеликлар силсиласини таҳлил қилайлик. Ўтган йили Еврокенгаш раҳбарининг Ўзбекистонга ташрифи, «ЕИ — Марказий Осиё» форматидagi саммит, Ўзаро боғлиқлик бўйича халқаро конференция ва иқтисодий форумлар, Франция, Германия, Италия, Венгрия ҳамда Чехия етакчилари билан учрашувлар муваффақиятли ўтказилди. Будапешт ва Стокгольмда элчионалар очилди.

Давлатимиз раҳбари 18 сентябрь куни Нью-Йорк шаҳрига ташрифи доирасида Европа Кенгаши президенти Шарль Мишелни қабул қилди. Ушбу минтақанинг етакчи компаниялари билан биргаликда йирик инвестиция лойиҳалари амалга оширилмоқда, муҳим маданий тадбирлар уюштирилляпти.

Мулоқотлар чоғида Кенгайтирилган шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битимни тез фурсатда қабул қилиш, ўзаро савдо ва инвестицияларни кўпайтириш учун қулай шароитлар яратиш, иқтисодиётнинг асосий тар-

моқларида кооперацияни чуқурлаштириш масалалари муҳокама қилинаётди.

Бизни боғлаб турган мустаҳкам ришта

Европа Иттифоқи Ўзбекистонни Марказий Осиёдаги стратегик ҳамкори, деб билади. Биз учун эса кўҳна қитъа жуда катта бозор. Чунки бу худудда ярим миллиард аҳоли, яъни 500 миллион истеъмолчи истиқомат қилади. Шу маънода, ЕИ билан муносабатларда давлатимизни қизиқтирадиган биринчи омил, бу — савдо. Ўзбекистон Европа Иттифоқи билан савдо муносабатларини тубдан кенгайтиришдан, барқарор савдо-логистика занжирларини ва ўзаро маҳсулот етказиб беришни қўллаб-қувватлашнинг самарали механизмларини яратишдан манфаатдор.

Эътибор беринг, 2020 йилда еврохудуддаги 28 мамлакат 1,9 триллион евролик маҳсулот импортини амалга оширган. Бироқ ЕИ ўшанда имтизмининг экспорт йўналиши рўйхатида 7-ўринни банд этган.

Ўзбекистон 2021 йил 10 апрелдан Европа Иттифоқининг барқарор ривож-

ланиш ва самарали бошқарув бўйича махсус преференциялар тизими (GSP+) доирасидаги имтиёزلардан фойдаланиш имкониятига эга бўлган вазият мутлақо ижобий кўриниш касб этди. Бошқача айтганда, кўҳна қитъа бозори учун янги имкониятлар эшиги очилгандан сўнг ЕИ билан товар айирбошлаш ҳажми ўтган йили қарийб 70 фоизга ўсди.

Европанинг етакчи компания ва банклари билан юқори технологик ишлаб чиқариш ва янги иш ўринлари яратиш бўйича истиқболли лойиҳалар портфели 20 миллиард евродан зиёдни ташкил этмоқда.

Бундай мисоллар тафсилотида чуқур тўхталишдан аввал «GSP+» тизими, унинг афзалликлари ҳақида қисқача маълумот бериб ўтсак.

«GSP+» тизимининг қандай афзаллиги бор?

«GSP+» (Generalised Scheme of Preferences Plus) — ривожланаётган мамлакатлар экспортини қўллаб-қувватлашга қаратилган умумий имтиёزلар тизими. У шундай давлатлар четга сотадиган товарлар учун боғжона тарифларидан имтиёзлар беришни кўзда tutadi. Бундай имкониятлар деярли барча турдаги саноат ва айрим қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига нисбатан қўлланилади.



ИЖТИМОЙ ҲИМОЯГА МУҲТОЖ АҲОЛИ БИЛАН
ИШЛАШ ТИЗИМИ ЎЗГАРАДИ

Ижтимоий ҳимоя соҳасидаги хизматлар қамровини янада кенгайтириш ва
эҳтиёжманд аҳолини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида

40 та туманда реабилитация, соғломлаштириш ва ногиронлиги бўлган шахсларга қарайдиганларни ўқитиш бўйича кўп тармоқли ижтимоий хизматлар марказлари ишга туширилади.

Бу орқали 60 минг эҳтиёжманд аҳоли ижтимоий хизматлар билан қамраб олинади, уларга қараётган 3 минг киши ўқитилади.

Ҳозир нафақа олаётган, лекин меҳнат қилиб даромад топиш истагида бўлган 660 минг аҳоли учун зарур шароитлар яратилиши уларнинг ижтимоий ва моддий фаровонлиги яхшиланшига хизмат қилади.

Олиш мумкин бўлган протез воситалари 18 турдан 30 турга, бунга ажратилаётган маблағ 1,5 баробар оширилиб, 100 млрд. сўмга етказилади.

Факт ва рақамлар

келгуси йилдан

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

«Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2012–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 1, 3-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5–6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5 – 6, 153-модда; 2001 йил, № 1–2, 23-модда, № 9–10, 165-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 9–10, 149-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 314-модда, № 12, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 12, 656-модда; 2007 йил, № 4, 158, 166-моддалар, № 6, 248-модда, № 9, 416, 422-моддалар, № 12, 607-модда; 2008 йил, № 4, 187, 188, 189-моддалар, № 7, 352-модда, № 9, 485, 487, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 128-модда, № 9, 329, 334, 335, 337-моддалар, № 12, 470-модда; 2010 йил, № 5, 176, 179-моддалар, № 9, 341-модда, № 12, 471, 477-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 9, 229-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 343-модда; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 6, 300-модда, № 9, 506, 510-моддалар; 2018 йил, № 1, 4-модда, № 4, 218, 224-моддалар, № 7, 430-модда, № 10, 679-модда; 2019 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 3, 161-модда, № 5, 259, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 471-модда, № 9, 592-модда, № 11, 787-модда, № 12, 880-модда; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 3, 204-модда, № 7, 449-модда, № 10, 593-модда, № 11, 651-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 5, 14-моддалар, № 2, 142, 144-моддалар, № 3, 217-модда, 4-сонга илова, № 8, 800, 803-моддалар, № 10, 966, 968, 973-моддалар, № 12, 1193-модда; 2022 йил, № 2, 81-модда, № 3, 215, 216-моддалар, № 4, 337-модда, № 5, 464, 466-моддалар, № 6, 575-модда, № 10, 981-модда; 2023 йил, № 3, 184, 185, 187, 188-моддалар, № 4, 265-модда, № 5, 619-модда) куйидаги ўзгартиришлар киритилсин:

1) **65-модданинг биринчи қисмидаги** «180-моддасида (сохта банкротлиги), 181-моддасида (банкротлиқни яшириш)» деган сўзлар «180-моддасида (сохта тўловга қобилиятсизлик), 181-моддасида (тўловга қобилиятсизлиқни яшириш)» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **180-модда номи ва биринчи қисмининг диспозицияси** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«180-модда. Сохта тўловга қобилиятсизлик

Сохта тўловга қобилиятсизлик, яъни юридик ёки жисмоний шахсининг ёхуд яққа тартибдаги тадбиркорнинг кредиторлар олдидига пул мажбуриятларини ва (ёки) солиқлар ҳамда йиғимлар бўйича мажбуриятларини иқтисодий жиҳатдан бажара олиши ҳақида била туриб, уларни тўлиқ ҳајимда бажара олмаслиги тўғрисида эълон бериши кредиторларга кўп миқдорда зарар етказилишига сабаб бўлса»;

3) **181-модда номи ва биринчи қисмининг диспозицияси** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«181-модда. Тўловга қобилиятсизлиқни яшириш

Юридик ёки жисмоний шахсининг ёхуд яққа тартибдаги тадбиркорнинг ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотлар ва ҳужжатларни тақдим этиш, бухгалтерлик ҳисоботларини тузиб кўрсатиш ёки бошқача тарзда ўзининг тўловга қобилиятсизлигини қасддан яшириш йўли билан кредиторларга кўп миқдорда зарар етказилишига сабаб бўлса»;

4) **181-модда номи ва биринчи қисмининг диспозицияси** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«181-модда. Қасддан тўловга қобилиятсизлиққа олиб келиш

Юридик шахсининг мансабдор шахси, муассиси (иштирокчиси) ёхуд мол-мулкнинг мулкдори ёки жисмоний шахс ёхуд яққа тартибдаги тадбиркор томонидан шахсий манфаатларини ёки бошқа шахсларнинг манфаатларини қўзлаб содир этилган қасддан тўловга қобилиятсизлиққа олиб келиш, яъни тўловга қобилиятсизлиқни қасддан юзага келтириш ёки кўпайтириш, ушбу юридик шахсининг ёки жисмоний шахсининг ёхуд яққа тартибдаги тадбиркорнинг тўловга қобилиятсизлигига олиб келса, кредиторларга кўп миқдорда зарар етказилишига сабаб бўлса».

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5–6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4–5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5–6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда, № 7–8, 217-модда; 2001 йил, № 1–2, 23-модда, № 9–10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9–10, 149-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 334, 335, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 462, 468, 470, 472, 474-моддалар; 2010 йил, № 5, 175, 179-моддалар, № 6, 231-модда, № 9, 335, 339, 341-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 468, 473, 474-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 4, 104, 105-моддалар, № 9, 247, 252-моддалар, № 12/2, 365-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 1, 2-модда, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4, 5-моддалар, № 4, 224-модда, № 7, 430, 431, 432-моддалар, № 10, 671, 673, 679-моддалар; 2019 йил, № 1, 1, 3, 5-моддалар, № 2, 47-модда, № 3, 161, 165, 166-моддалар, № 5, 259, 261, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 469, 471-моддалар, № 9, 591, 592-моддалар, № 10, 674, 676-моддалар, № 11, 787, 791-моддалар, № 12, 880, 891-моддалар; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 3, 203, 204-моддалар, № 7, 449-модда, № 9, 539, 540-моддалар, № 10, 593, 596-моддалар, № 11, 651-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 5, 7, 12, 13, 14-моддалар, № 2, 142-модда, № 3, 217-модда, № 4, 290, 293-моддалар, 4-сонга илова, № 8, 800, 802, 803-моддалар, № 9, 903-модда, № 10, 966, 967, 968, 973-моддалар, № 11, 1066-модда; 2022 йил, № 1, 1, 2-моддалар, № 2, 80, 81-моддалар, № 3, 215, 216-моддалар, № 4, 337-модда, № 5, 464, 465, 466, 467-моддалар, № 8, 787-модда, № 10, 981, 984-моддалар, № 12, 1188-модда; 2023 йил, № 3, 184, 185, 188, 189-моддалар, № 4, 265, 266, 268-моддалар, № 5, 319, 320-моддалар, № 7, 533, 534, 535, 537, 539-моддалар, № 8, 634-модда) куйидаги ўзгартиришлар киритилсин:

1) **179-модда** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«179-модда. Қасддан тўловга қобилиятсизлиққа олиб келиш

Юридик шахсининг мансабдор шахси, муассиси (иштирокчиси) ёки мол-мулкнинг мулкдори ёки жисмоний шахс ёхуд яққа тартибдаги тадбиркор томонидан шахсий манфаатларини ёки бошқа шахсларнинг манфаатларини қўзлаб содир этилган қасддан тўловга қобилиятсизлиққа олиб келиш, яъни тўловга қобилиятсизлиқни қасддан юзага келтириш ёки кўпайтириш, ушбу яққа тартибдаги тадбиркорнинг ёки юридик ёхуд жисмоний шахсининг тўловга қобилиятсизлигига олиб келса, кредиторларга зарар етказилишига сабаб бўлса,

базавий ҳисоблаш миқдорининг элиқ бараваридан бир юз элиқ бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

2) **215-модда биринчи қисмининг диспозициясидаги** «банкротлик» деган сўз «тўловга қобилиятсизлик» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган 163–I-сонли ва 1996 йил 29 августда қабул қилинган 256–I-сонли қонунлари билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Ҳуқаролик кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, 2-сонга илова, № 11–12; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5–6, 102-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 9, 229-модда; 2001 йил, № 1–2, 23-модда, № 9–10, 182-модда; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 4, 154-модда, № 9, 494, 498-моддалар; 2007 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 4, 156, 164-моддалар, № 8, 367-модда, № 9, 416-модда, № 12, 598, 608-моддалар; 2008 йил, № 4, 192-модда, № 12, 640-модда; 2009 йил, № 9, 337-модда; 2010 йил, № 9, 335, 337, 340-моддалар; 2011 йил, № 12/2, 363, 364, 365-моддалар; 2012 йил, № 4, 106, 109-моддалар, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 5, 130-модда, № 12, 343-модда; 2015 йил, № 8, 310, 312-моддалар; 2016 йил, № 4, 125-модда; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 9, 510-модда, № 12, 773-модда; 2018 йил, № 1, 4-модда, № 4, 224-модда, № 7, 433-модда, № 10, 673-модда; 2019 йил, № 3, 161, 166-моддалар, № 5, 267-модда, № 10, 671-модда, № 12, 880, 886-моддалар; 2020 йил, № 1, 3, 4-моддалар, № 10, 593-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 8, 801-модда, № 10, 968-модда; 2022 йил, № 2, 79-модда, № 3, 217, 218-моддалар, № 4, 340-модда, № 5, 464-модда, № 6, 570-модда, № 11, 1062-модда) куйидаги ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин:

1) **26-модда** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«26-модда. Яққа тартибдаги тадбиркорнинг ва яққа тартибдаги тадбиркор маконини йўқотган жисмоний шахсининг тўловга қобилиятсизлиги

Яққа тартибдаги тадбиркор кредиторларнинг пул мажбуриятлари бўйича талабларини тўла ҳајимда қаноатлантиришга ва (ёки) солиқлар ҳамда йиғимлар бўйича ўз мажбуриятларини бажаришга қодир бўлмаса, суд томонидан тўловга қобилиятсиз деб топилиши мумкин.

Яққа тартибдаги тадбиркор маконини йўқотган жисмоний шахс кредиторларнинг пул мажбуриятлари бўйича талабларини тўла ҳајимда қаноатлантиришга ва (ёки) солиқлар ҳамда йиғимлар бўйича ўз мажбуриятларини бажаришга қодир бўлмаса, агар тегишли талаблар унинг илгарги тадбиркорлик фаолиятидан келиб чиққан бўлса, белгиланган тартибда суд томонидан тўловга қобилиятсиз деб топилиши мумкин.

Ушбу модданинг биринчи ёки иккинчи қисмларида кўрсатилган шахсининг тўловга қобилиятсизлиги тартиб-таомилларини амалга оширишда унинг тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ бўлмаган мажбуриятлари бўйича кредиторлари ҳам ҳаётга ёки соғлиққа етказилган зарарининг ўрнини қоплаш, алиментларни ундириш ҳақидаги ўз талабларини, шунингдек шахсий ҳусусиятга эга бўлган бошқа талабларни қўйишга ҳақли. Мазкур кредиторларнинг улар томонидан шундай тартибда қўйилмаган талаблари тўловга қобилиятсизлик тартиб-таомили тугалланганидан кейин ҳам ўз кучини сақлаб қолади.

Ушбу модданинг биринчи ёки иккинчи қисмларида кўрсатилган шахс банкрот деб топилган тақдирда, унинг кредиторларининг талаблари ушбу Кодекснинг 56-моддасида назарда тутилган тартибда қаноатлантирилади.

Ушбу модданинг биринчи ёки иккинчи қисмларида кўрсатилган шахсни суд томонидан банкрот деб топишнинг ёки унинг ўзини банкрот деб эълон қилишнинг асослари, тартиби ва оқибатлари қонунда белгиланади»;

2) куйидаги мазмундаги **26-модда** билан тўдирлисин:

«26-модда. Жисмоний шахсининг тўловга қобилиятсизлиги

Жисмоний шахс пул мажбуриятлари бўйича кредиторларнинг талабларини тўла ҳајимда қаноатлантиришга ва (ёки) солиқлар ҳамда йиғимлар бўйича ўз мажбуриятларини бажаришга қодир бўлмаса, суд томонидан тўловга қобилиятсиз деб топилиши мумкин.

Жисмоний шахсни тўловга қобилиятсиз деб топишнинг асослари, тартиби ва оқибатлари қонунда белгиланади»;

3) **48-модданинг:**
учинчи ва тўртинчи қисмлари куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Юридик шахсининг муассиси (иштирокчиси) ёки унинг мол-мулкнинг мулкдори ёхуд юридик шахсининг бошқарув органи таркибига кирувчи шахс, шунингдек қарздорнинг ишларини бошқарувчи шахс юридик шахсининг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди, юридик шахс эса муассисининг (иштирокчининг) ёки мулкдорининг ёхуд юридик шахсининг бошқарув органи таркибига кирувчи шахсининг ёки қарздорнинг ишларини бошқарувчи шахсининг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди, бундан ушбу Кодексда ёки юридик шахсининг таъсис ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар мустасно.

Агар юридик шахсининг тўловга қобилиятсизлиги шу юридик шахс учун мажбурий кўрсатмаларни бериш ҳуқуқига эга бўлган муассис (иштирокчи) сифатидаги шахсининг ёки юридик шахс мол-мулки мулкдорининг ёхуд юридик шахсининг бошқарув органи таркибига кирувчи шахсининг ёки қарздорнинг ишларини бошқарувчи шахсининг айриқонуний ҳаракатлари тўғрйли вужудга келтирилган бўлса, юридик шахсининг мол-мулки етарли бўлмаган тақдирда бундай шахс зиммасига қонунга мувофиқ унинг мажбуриятлари бўйича субсидиар жавобгарлик юклатилиши мумкин»;

олтинчи қисми куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Юридик шахс учун мажбурий кўрсатмалар бериш ҳуқуқига эга бўлган муассис (иштирокчи) ёки мулкдор ёхуд юридик шахсининг бошқарув органи таркибига кирувчи шахс ёки қарздорнинг ишларини бошқарувчи шахс юридик шахсининг муайян ҳаракатини амалга ошириши оқибатида тўловга қобилиятсиз бўлиб қолишини олдиндан билиб, ўз ҳуқуқидан унинг шундай ҳаракатини амалга оширишини қўзлаб фойдаланган ҳолдагина юридик шахсининг тўловга қобилиятсизлиги улар томонидан вужудга келтирилган деб ҳисобланади»;

4) **57-модда** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«57-модда. Юридик шахсининг тўловга қобилиятсизлиги

Тижоратчи ташкилот бўлган юридик шахс, шунингдек матлубот кооперативи ёки ижтимоий фонд шаклида иш олиб бараётган юридик шахс пул мажбуриятлари бўйича кредиторларнинг талабларини тўла ҳајимда қаноатлантиришга ва (ёки) солиқлар ҳамда йиғимлар бўйича ўз мажбуриятларини бажаришга қодир бўлмаса, суд томонидан тўловга қобилиятсиз деб топилиши мумкин.

Юридик шахсини тўловга қобилиятсиз деб топишнинг асослари, тартиби ва оқибатлари қонунда белгиланади»;

5) **63-модданинг биринчи қисмидаги** «ночор (банкрот)» деган сўзлар «тўловга қобилиятсиз» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

6) **67-модданинг бешинчи қисмидаги** «ночор (банкрот)»

деган сўзлар «тўловга қобилиятсиз» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

7) **113-модданинг биринчи қисмидаги** «Кодексда» деган сўз «Кодексда ва бошқа қонунларда» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

8) **507-модданинг тўртинчи қисми** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Манфаатдор шахсининг талабига бйноан суд яққа тартибдаги тадбиркорнинг ёки юридик ва жисмоний шахсининг тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги қонунчилик қоидаларини бузиб, тўловга қобилиятсизлик ҳақида иш қўзғатилишдан олдинги бир йил ичида ўзининг тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ маблағлар ҳисобидан қилган ҳајисини бекор қилиши мумкин»;

9) **838-модданинг учинчи қисмидаги** «ночор (банкрот)» деган сўзлар «тўловга қобилиятсиз» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

10) **855-модданинг иккинчи қисми** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Бошқарув муассисининг қарзлари бўйича ундирувни у ишончли бошқарувга топширган мол-мулкка қаратишга йўл қўйилмайди, бундан ушбу шахс банкрот деб топилган ҳоллар мустасно. Бошқарув муассиси банкрот деб топилганда ушбу мол-мулкни ишончли бошқариш бекор қилинади ва у тугатиш массасига қўшиб юборилади»;

11) **861-модда биринчи қисмининг:**

тўртинчи хатбошидаги «ночор (банкрот)» деган сўзлар «тўловга қобилиятсиз» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

бешинчи хатбошидаги «ночор (банкрот)» деган сўзлар «тўловга қобилиятсиз» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 25 апрелда қабул қилинган **«Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»**ги 216–I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 5 ноябрда қабул қилинган УРҚ–580-сонли Қонуни тахририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, № 11, 788-модда; 2020 йил, № 1, 1-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 10, 968-модда; 2023 йил, № 4, 267-модда) куйидаги ўзгартиришлар киритилсин:

1) **39-модда биринчи қисмининг учинчи хатбошиси** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«тўловга қобилиятсиз бўлганда ёки мазкур тақсимлаш оқибатида тўловга қобилиятсизлик аломатлари юзага келганда»;

2) **64-модданинг матнидаги** «банкротлиги» деган сўз «тўловга қобилиятсизлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

5-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 апрелда қабул қилинган **«Истеъмолчиларинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»**ги 221–I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 5–6, 59-модда; 2002 йил, № 4–5, 74-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 413-модда; 2006 йил, № 10, 536-модда; 2008 йил, № 4, 183-модда; 2010 йил, № 10, 380-модда; 2013 йил, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 1, 1-модда; 2019 й

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

«Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

(Давоми. Бошланиши 1, 2-бетларда).

иккинчи қисмнинг 3-банди қуйдаги тахрирда баён этилсин:

«3) жисмоний шахс вафот этганда ёки жисмоний шахс вафот этган деб эълон қилинганда ёхуд жисмоний шахс банкрот деб топилганда – унинг божхона тўловларини тўлаш бўйича қарзининг ўз мол-мулки етарли эмаслиги сабабли, шу жумладан мерос давлат мулкига ўтган тақдирда узилмай қолган қисми бўйича».

18-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 24 январда қабул қилинган ЎРҚ–461-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, 1-сонга 2-илова, № 7, 433-модда, № 10, 672-модда; 2019 йил, № 3, 166-модда, № 5, 261, 266-моддалар, № 9, 592-модда, № 10, 671-модда, № 11, 791-модда, № 12, 880-модда; 2020 йил, № 1, 1-модда, № 3, 198-модда, № 10, 593-модда; 2021 йил, № 1, 10-модда, 4-сонга илова, № 8, 803-модда, № 9, 903-модда; 2022 йил, № 3, 216-модда, № 5, 463-модда, № 6, 577-модда, № 8, 787-модда; 2023 йил, № 4, 269-модда) қуйдаги ўзгартиришлар киритилсин:

1) **25-модда биринчи қисмининг 3-бандидаги** «банкротлик» деган сўз «тўловга қобилиятсизлик» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **27-модда** қуйдаги тахрирда баён этилсин:

«27-модда. Тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги ишлар

Тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги ишлар жумласига юридик ёки жисмоний шахсларни ҳамда юридик шахс ташкил этмаган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган ва қонунда белгиланган тартибда якка тартибдаги тадбиркор мақомини олган фуқароларни, пул мажбуриятлари бўйича кредиторларнинг талабларини қаноатлантиришга ва (ёки) солиқлар ва йиғимлар бўйича ўз мажбуриятларини бажаришга қодир бўлмаган, якка тартибдаги тадбиркор мақомини йўқотган жисмоний шахсларни, агар пул мажбуриятлари ва солиқлар ҳамда йиғимлар бўйича мажбуриятлар уларнинг аввалги тадбиркорлик фаолиятидан келиб чиққан бўлса, тўловга қобилиятсизлик ҳақида иш қўзғатиш тўғрисидаги ишлар киради»;

3) **36-модда** қуйдаги тахрирда баён этилсин:

«36-модда. Тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги ишларнинг судловга тегишлилиги

Юридик шахсларнинг тўловга қобилиятсизлиги тўғрисидаги ишлар қарздор давлат рўйхатидан ўтган жойдаги судда, шунингдек қарздор жисмоний шахснинг ва (ёки) якка тартибдаги тадбиркорнинг яшаш жойидаги судда қўрилади»;

4) **107-модданинг 9-банди** қуйдаги тахрирда баён этилсин:

«9) жавобгарга нисбатан тўловга қобилиятсизлик тўғрисида иш қўзғатилган бўлса ва жавобгарга нисбатан тақдим этилган талаб қонунга кўра тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги иш доирасида қўрилиши лозим бўлса»;

5) **25-60б** қуйдаги тахрирда баён этилсин:

«25-60б. Тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги ишларни юритиш

210-модда. Тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги ишларни қўриб чиқиш тартиби

Юридик ва жисмоний шахсларнинг, шунингдек якка тартибдаги тадбиркорларнинг тўловга қобилиятсизлиги тўғрисидаги ишлар ушбу Кодексад назарда тутилган қоидалар бўйича, «Тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунда белгиланган ўзига хос хусусиятлар эътиборга олинган ҳолда суд томонидан қўриб чиқиладу.

211-модда. Тўловга қобилиятсизлик ҳақида иш қўзғатиш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат этиш ҳукуқи

Тўловга қобилиятсизлик соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи қонунга мувофиқ қарздор, кредиторлар ва бошқа манфаатдор шахслар тўловга қобилиятсизлик ҳақида иш қўзғатиш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат этишга ҳақли.

Аризага тўловга қобилиятсизлик соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи қонунда назарда тутилган ҳужжатлар илова қилинади».

19-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 10 майда қабул қилинган **«Давлат-хусусий шериклик тўғрисида»**ги ЎРҚ–537-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, № 5, 262-модда; 2021 йил, № 1, 16-модда, 4-сонга илова; 2022 йил, № 6, 570-модда; 2023 йил, № 7, 533-модда) **23-моддасининг учинчи қисмидаги** «банкротлик» деган сўз «тўловга қобилиятсизлик» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

20-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 25 декабрда қабул қилинган **«Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида»**ги ЎРҚ–598-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, № 12, 892-модда; 2021 йил, 4-сонга илова; 2022 йил, № 6, 570-модда, № 12, 1190-модда) қуйдаги ўзгартиришлар киритилсин:

1) **17-модданинг иккинчи қисмидаги** «тўловга лаёқатсиз ва банкрот» деган сўзлар «тўловга қобилиятсиз» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **19-модда учинчи қисмининг иккинчи хатбошисидаги** «тўловга лаёқатсиз ва банкрот» деган сўзлар «тўловга қобилиятсиз» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

21-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 30 декабрда қабул қилинган ЎРҚ–599-сонли Қонуни билан янги тахрирда тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, 12-сонга 1-илова; 2020 йил, № 3, 198-модда, № 10, 593-модда, № 11, 652-модда, № 12, 690, 691-моддалар; 2021 йил, № 1, 6-модда, № 4, 294-модда, 4-сонга илова, № 8, 800-модда, № 9, 901-модда, № 10, 968, 969, 972, 973-моддалар, № 12, 1199-модда; 2022 йил, № 2, 79-модда, № 3, 215, 216-моддалар, № 5, 461, 464, 467-моддалар, № 6, 570-модда, № 7, 664, 666-моддалар, № 12, 1190-модда; 2023 йил, № 6, 444, 446-моддалар, № 7, 540-модда) қуйдаги ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **60-модданинг ўнинчи хатбошисидаги** «банкротлик» деган сўз «қарздорнинг банкрот деб топилганлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **62-модда бешинчи қисмининг учинчи хатбошисидаги** «банкротлик (иқтисодий ноқорлик)» деган сўзлар «тўловга қобилиятсизлик» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **68-модда биринчи қисмининг 6-бандидаги** «ноқорлик (банкротлик)» деган сўзлар «тўловга қобилиятсизлик» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) **96-модда биринчи қисмининг 2-банди** «якка тартибдаги тадбиркор» деган сўзлардан кейин «ёки жисмоний шахс» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

5) **97-модда:**

қуйдаги мазмундаги **ўн учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги иш бўйича суд санацияси ёки ташқи бошқарув жараёнида юзага келадиган барча турдаги жорий солиқ тўловларини (бундан меҳнат шартномалари (контрактлари) ва фуқаролик-ҳуқуқий хусусиятдаги шартномалар бўйича олинган даромадлар солиғи, шунингдек иқтимоий солиқ мустасно) тўлаш, суд ажрими асосида жорий этилган суд санацияси ёки ташқи бошқарув тартиб-таомилининг мuddатида тўхтатиб турилади. Бу ҳолда суд санация қилувчи бошқарувчининг ёки ташқи бошқарувчининг ҳисоботини тасдиқлаган ва тўловга қобилиятсизлик тўғрисида иш юритишни тугатиш ҳақида ажрим чиқарган санадан эътиборан мазкур солиқ қарзлари олти ой ичида тенг улушларда бўлиб-бўлиб тўланади»;

ўн учинчи қисми ўн тўртинчи қисм деб ҳисоблансин;

6) **98-модда биринчи қисмининг 4-банди** қуйдаги тахрирда баён этилсин:

«4) шахс банкрот деб топилган бўлса»;

7) **100-модданинг иккинчи қисми:**

3-бандидаги «ноқорлиги (банкротлиги)» деган сўзлар «тўловга қобилиятсизлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

қуйдаги мазмундаги **7-банд** билан тўлдирилсин:

«7) ушбу Кодекс 97-моддасининг ўн учинчи қисмида назарда тутилган тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги иш бўйича суд санацияси ёки ташқи бошқарув тартиб-таомили жорий этилган бўлса»;

8) **304-модда** қуйдаги мазмундаги **21-банд** билан тўлдирилсин:

«21) банкрот деб топилган қарздор юридик ва жисмоний шахсларнинг ёки якка тартибдаги тадбиркорнинг мол-мулкини сотишдан тушган маблағларининг қарзни тўлашга йўналтирилган қисми»;

9) **313-модданинг биринчи қисмидаги** «банкротлик» деган сўз «қарздорнинг банкрот деб топилганлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

22-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 6 январда қабул қилинган **«Давлат божли тўғрисида»**ги ЎРҚ–600-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2020 йил, № 1, 1-модда, № 3, 201-модда, № 5, 298-модда, № 10, 593-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 13-модда, 4-сонга илова, № 7, 661-модда, № 8, 800, 803-моддалар, № 10, 968-модда; 2022 йил, № 2, 76-модда, № 3, 214, 216-моддалар, № 4, 340-модда, № 5, 463, 464, 467-моддалар, № 12, 1186-модда; 2023 йил, № 2, 103-модда, № 3, 186-модда, № 4, 265, 269-моддалар, № 6, 444, 445-моддалар, № 7, 538-модда) қуйдаги ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин:

1) **5-модданинг 2-бандидаги** «ташкилотларни ва фуқароларни банкрот деб топиш тўғрисидаги» деган сўзлар «тўловга қобилиятсизлик тўғрисида иш қўзғатиш ҳақидаги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **19-модда** қуйдаги мазмундаги **йигирма тўққизинчи ва ўттинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Суд бошқарувчиси тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги иш жараёнида ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга ошириши учун даъво аризалар ҳамда бошқа аризалар билан давлат божини тўламасдан судга мурожаат қилади.

Давлат бож «Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 59-моддасида белгиланган тартибда суд бошқарувчиси томонидан тўланади»;

3) **илованинг 2-банди «в» кичик бандидаги** «ташкилотлар ва фуқароларни банкрот деб топиш» деган сўзлар «тўловга қобилиятсизлик ҳақида иш қўзғатиш» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

23-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 20 октябрда қабул қилинган **«Аҳоли бандлиги тўғрисида»**ги ЎРҚ–642-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2020 йил, № 10, 595-модда; 2021 йил, № 4, 287-модда, 4-сонга илова; 2022 йил, № 3, 216-модда, № 5, 464-модда, № 6, 570-модда, 10-сонга илова) **50-моддасига** қуйдаги ўзгартиришлар киритилсин:

номидаги «банкрот бўлганлиги» деган сўзлар **«банкрот деб топилганлиги»** деган сўзлар билан алмаштирилсин;

биринчи қисмидаги «ночор (банкрот)» деган сўзлар «банкрот» деган сўз билан алмаштирилсин.

24-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелда қабул қилинган **«Давлат харидлари тўғрисида»**ги ЎРҚ–684-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2021 йил, № 4, 289-модда) қуйдаги ўзгартиришлар киритилсин:

1) **36-модданинг бешинчи хатбошисидаги** «банкротлик» деган сўз «тўловга қобилиятсизлик» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **42-модда биринчи қисмининг тўртинчи хатбошисидаги** «банкротлик» деган сўз «тўловга қобилиятсизлик» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

25-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 28 октябрда қабул қилинган ЎРҚ–798-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2022 йил, 10-сонга илова; 2023 йил, № 4, 265-модда) **100-моддасининг олтинчи қисмидаги** «(банкрот)» деган сўз чиқариб ташлансин.

26-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин; республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта қўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин; ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

27-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан қучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти	Ш. МИРЗИЁЕВ
Тошкент шаҳри, 2024 йил 21 февраль № ЎРҚ—911	

ИНСОН КАПИТАЛИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ — УСТУВОР ВАЗИФА

Хорижий экспертлар Ўзбекистон Президентининг Россияга ташрифи ҳақида



Дариа РЕКЕДА,
«Иқтисодиёт олий мактаби» миллий тадқиқот университети Европа ва халқаро кенг қамровли тадқиқотлар маркази етакчи эксперти:

— «Келажақ ўйинлари» ҳақида гапирар эканман, бундай тадбирларнинг аҳамиятини алоҳида таъкидламоқчиман. Чунки, биринчидан, бу ҳақиқий спорт ва кибертендларни бирлаштирган инновацион шаклдир. Қозондаги «Келажақ ўйинлари»да иштирок этиш учун келган барча терма жамоалар мусобақанинг асосий қисмида ҳам, киберспорт қисмида ҳам умумий очколарни қўлга киритишлари керак.

Таъкидлаш лозимки, МДХ давлатлари раҳбарларининг Қозонда йиғилишининг сабаблари ҳам бор. Негатик, инсон капиталини ривожлантириш барча мамлакатлар учун устувор вазифа саналади. Шу маънода, Ўзбекистонда IT-кластер ва киберспортни ривожлантириш борасида, ҳақиқатан ҳам, кўп ишлар қилинмоқда. Президент мактабларида, айниқса, математика бўйича бунга алоҳида йўналиш берилиб, махсус синфлар ташкил этилганидан хабардормиз. Бу соҳа Россияда бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам жуда тез ривожланаётганидан далолат беради.

Давлатларимиз технологик тараққиётда ёпиқ эмаслиги жуда муҳим. Биз компьютерлар ва турли спорт мусобақалари ёшларга қандай ёмон таъсир қилиши ҳақида турли платформалардан ўшитамиз, лекин аслида биз аллақачон бу ҳақиқат билан бирга яшаймиз. Кибернетика соҳасида ёшлар салоҳиятини ривожлантиришга юқори даражада эътибор қаратилаётгани, фикримча, давлатларимиз глобал жараёнлар суръатида ҳаракатланаётгани, ёпиқ бўлмаётгани ва бу жараённи чеклашга уринмаётганининг яхши белгисидир.

МДХ давлат етакчилари, хусусан, Президент Шавкат Мирзиёев, Қозогистон ва Қирғизистон етакчиларининг Қозонга келиши МДХ янги жаҳон тенденциялари асосида ривожланиб бораётганининг муҳим кўрсаткичи ҳисобланади. Ушбу спорт байрами миллий спортчиларнинг муваффақиятларини қандай намоеън этишининг, албатта, гувоҳи бўламиз. Соврин жамғармаси ҳам жуда катта.

«Келажақ ўйинлари» аслида энг йирик спорт тадбири бўлиб, давлат раҳбарларининг шахсан иштироки бунинг ёрқин ифодасидир.

Виктор КИМ,
Тожикистон Миллий фанлар академияси
Осиё ва Европа мамлакатлари институти катта илмий ходими:

— Янги Ўзбекистоннинг қарашли келажакка, XXI асрнинг илгор технология жараёнига қаратилган. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Қозон шаҳрида илк бор ўтказилаётган “Келажақ ўйинлари” мусобақасининг очилиш маросимида қатнашиш учун Россияга амалга оширган ташрифи икки давлатнинг янги илгор келажақни биргаликда барпо қилиш борасидаги самимий ниятларини тасдиқлайди. Ушбу турнир классик спорт турлари, илмий ишланма-



лар ва рақамли технологиялардан иборат ўзига хос мусобақадир.

Ўзбекистон раҳбарининг Қозон шаҳрида “Келажақ ўйинлари” мусоба-

Жан-Антуан ДЮПРА,
Европада прогнозлаш ва хавфсизлик институти эксперти,
Ўзбекистон бўйича мутахассис (Франция):



— Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Россия Президенти Владимир Путиннинг тақлифига биноан 21 февраль куни ушбу мамлакатга амалий ташрифи икки томонлама муносабатлар изчил ривожланишининг мантиқий давоми, давлат раҳбарлари ўртасида ўрнатилган ишончли алоқаларнинг далилидир.

Кўп қиррали Ўзбекистон — Россия ҳамкорлиги барча соҳада, биринчи навбатда, савдо-иқтисодий ва инвестициявий йўналишларда муваффақиятли ривожланиб бораётганини қайд этиш керак. 2023 йилда 9,8 миллиард АҚШ долларидан ошган ўзаро товар айирбошлаш ҳажмининг ўсиши фикримизни тасдиқлайди.

Ўзбекистон ва Россия БМТ, МДХ, ШХТ, бошқа глобал ҳамда минтақавий тузилмалар доирасида ҳам яқин ҳамкорлик қилмоқда. Ўзбекистон Президенти Қозон шаҳрига ташрифи давомида МДХ давлатлар раҳбарлари билан биргаликда “Келажақ ўйинлари” мусобақасининг расмий очилиш маросимида қатнашди. Ушбу йирик

спорт тадбирида 100 дан ортиқ мамлакатлардан қарийб 300 та жамоа, жумладан, Ўзбекистон спортчилари иштирок этаётди. “Келажақ ўйинлари”нинг асосий госяси “физитал”, яъни виртуал ва реал спортни бирлаштирган янги турдаги спорт мусобақасидир. Уни бутун дунё бўйлаб 150 миллионга яқин одамлар онлайн томоша қилиши кутиляпти. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Россияга ташрифи яқунлари икки мамлакат ва халқлар ўртасидаги ҳар томонлама стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш ва чуқурлаштиришга хизмат қилади.

«Дунё» АА.

Сенатор ва ҳаёт

ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ ҚАНДАЙ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛГАН?

Ёдингизда бўлса Олий Мажлис Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитасининг жорий йилги иш режасига 2023 йил якуни бўйича Ички ишлар вазирлигининг ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ҳамда бу борадаги профилактика ишлари ҳолати тўғрисидаги ахборотини эшитиш масаласи киритилгани ҳақида хабар берилган эди.

Шундан келиб чиқиб, Сенат қўмитаси томонидан тузилган ишчи гуруҳ аъзолари Фарғона вилоятида ушбу масала юзасидан ўрганиш олиб бормоқда. Хусусан, ўтган ҳафтада улар ҳудудлардаги реал ҳолатни билиш мақсадида бир қатор туман ва шаҳарларда бўлди.

Айни жараёнда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш юзасидан ҳудудларда амалга оширилаётган ишлар, соҳада учраётган камчиликлар ва фуқароларни таъбишга солаётган муаммолар таҳлилдан ўтказилди.

Қўмита раиси Қ. Бурҳонов бошчилигидаги ишчи гуруҳ вилоятдаги ўрганишлар давомида Фарғона шаҳар ИИБда бўлиб, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида амалга оширилаётган ишлар билан танишди.

Сўнгра ишчи гуруҳ ИИБнинг навбатчилик қисмида ташкил этилган Вазиятлар марказида бўлди. Бу ерда сенаторлар шаҳардаги чорраҳалар, аҳоли гажум жойларга ўрнатилган видеокузатув камералари марказга интеграция қилинган, ушбу камералар орқали тизим ходимлари масофадан туриб жойларда юз бераётган ҳолатни реал вақт режимида кузатиб бораётганига гувоҳ бўлди.

Сенаторлар Фарғона шаҳар ИИБдаги “102” автоматлаштирилган тизимнинг иш фаолиятини ҳам кўздан кечирди. Ўрганиш давомида соҳа мутахассисларига тизимни тўлиқ автоматлаштириш ҳамда инсон омилни камайтириш ва юз бераётган йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш юзасидан тавсия ва тақлифлар берилди.

Шунингдек, ишчи гуруҳ аъзолари Фарғона шаҳри “Беш бола” МФЙдаги ҳуқуқ-тартибот маскани фаолияти билан танишди.

Ўрганишлар доирасида сенаторлар Марғилон шаҳрида ҳам бўлиб, маҳаллий Кенгаш депутатлари ва жамоатчилик вакиллари билан учрашди. Мулоқотда маҳаллий Кенгаш депутатлари ИИБ ҳудудий бўлинмалари раҳбарларига юклатилган вазифаларнинг бажарилиши юзаси-

дан қўрилаётган чора-тадбирлар, маҳалалардаги профилактика инспекторлари фаолияти самарадорлигини ошириш борасида тақлиф ва тавсиялар билдирди.

Фарғона вилояти ҳокимлиги биносида ўтказилган йиғилишда соҳанинг масъул раҳбарлари, мутахассислар иштирокида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишдаги мавжуд муаммо ва камчиликлар атрофчида таҳлил қилиниб, уларни бартараф этиш билан боғлиқ тавсиялар берилди.

Ишчи гуруҳ Марғилон шаҳридаги Хунарамандлар маркази, “Дўстлик” МФЙ, Фарғона вилояти ИИБга қарашли госпиталда яратилган шарт-шароитлар билан ҳам танишди.

Шунингдек, ишчи гуруҳ Оптиариқ тумани ИИБ навбатчилик қисми ва тумандаги итхиссослаштирилган мактабда бўлди.

Бу ерда мактаб маъмурияти ва туман масъул раҳбарлари иштирокида ўқувчилар орасида ҳуқуқбузарликларга профилактика жараёнида вужудга келаётган муаммолари масалалар батафсил муҳокама қилинди.

Қонунчилик палатаси кўмиталарида

ШАФФОФЛИК ВА НАТИЖАДОРЛИК ТАЪМИНЛАНАДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар кўмитаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ҳамкорлигида семинар ўтказилди.

“Ўзбекистон Республикасида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асослари ва адолатли ижтимоий сиёсат юритиш борасидаги ислохотлар” мавзuida ташкил этилган тадбирда ижтимоий ҳимоя тизими самарадорлиги ва манзиллилигини оширишга қаратилган муҳим йўналишлар ҳусусида сўз юритилди.

Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари Акмал Саидов сўнгги йилларда юртимизда аҳолининг ижтимоий ҳимоясини қучайтириш, давлат томонидан фуқароларга ижтимоий хизмат кўрсатиш қўлами ва турларини кенгайтириш бўйича изчил ислохотлар амалга оширилаётгани, ушбу масала давлат сиёсати даражасига кўтарилганини алоҳида таъкидлади.

Семинарда Президентимиз раислигида ижтимоий ҳимоя соҳасидаги устувор вазифалар муҳофазаси юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида белгилаб берилган йўналишлардан келиб чиқиб, амалга оширилиши режалаштирилган масалаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Маълум қилинганидек, сўнгги ойларда кам таъминланган оилалар манзилли ўрганилиб, тизим шаффоф қилингани натижасида доимий даромадга эга оилалар бундай тоифадан чиқарилган. Ўзгалар парваршишга муҳтож, ёлғиз яшаётган 2 минг кишига ёрдам кўрсатилган. Шунга

га ҳам алоҳида тўхталиб ўтилди. Кайд этилганидек, Ўзбекистон 2021 йилда Ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияга қўшилган. Бундай шахсларни ишга олган корхона ва ташкилотлар учун бир қатор имтиёзлар берилган. Эндиликда бино ва иншоотларни қуриш лойиҳаси но-



Мухтор ХОЖИМАТОВ,
Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси аъзоси:
“Ижтимоий муаммоларни адолатли ҳал этишнинг мутлақо янги ва ўзига хос тизими яратилиб, “темир дафтар”, “аёллар дафтари”, “ёшлар дафтари”, маҳаллабай ва ҳонадонбай ишлаш усуллари жорий этилгани бүгун ижтимоий масалаларни самарали ҳал этишга хизмат қилмоқда”.

гиронлиги бўлганлар учун қулай муҳит яратилганлиги бўйича ҳам мажбурий экспертизадан ўтказилди. Жамоат транспорти, бекатлар ва чорраҳаларда улар учун тўсиқсиз муҳит яратиш чоралари кўрилади.

Шунингдек, ходимларнинг 50 фоизда ногиронлиги бўлган тадбиркорларга давлат буюртмачилари билан тўғридан-тўғри шартнома тузиш имконияти берилди. Бундай шахсларни касбга тайёрлайдиган 4 та ихтисослаштирилган мактаб саноат тармоқларига бириктирилди.

Мунозаралар чоғида аҳолининг ижтимоий ҳимояси бўйича қонунчилик, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, асосийси, соҳа эгаси аниқ белгилаб берилгани ва тизим яратилгани айтиб ўтилди. Ушбу тизим мунтазам такомиллаштирилиб борилаётгани,

лан бирга, ижтимоий хизмат ва ёрдамни маҳалла даражасида ман- журий экспертизадан ўтказилди. Жамоат транспорти, бекатлар ва чорраҳаларда улар учун тўсиқсиз муҳит яратиш чоралари кўрилади.

Семинар якунида юқоридаги масалалар юзасидан Қонунчилик палатаси депутатлари, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик ва- зирлиги, Республика касбага уюшмалари Федерацияси Кенгаши, тегишли вазирлик ва ташкилотлар вакилларидан иборат ишчи гуруҳ тузилиб, жойларда ўрганишлар ўтказиш ва муаммоларни бартараф этиш юза- сидан тақлифлар тайёрлашга кели- шиб олинди.

СОХТА «ПСИХОЛОГ»ЛАР ФАОЛИЯТИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ЗАРУР

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари кўмитаси томонидан Ўзбекистон психологлар уюшмаси билан ҳамкорликда аҳолига психологик ёрдам кўрсатишнинг ҳуқуқий асосларига бағишланган давра сўхбати ўтказилди.

Қонунчилик палатаси депутатлари, Ўзбекистон психологлар уюшмаси аъзолари, пси- холог йўналишида фаолият олиб борувчи нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари, олимлар, илмий тадқиқотчилар, мутахас- сислар иштирок этган тадбирда таъкидлан- ганидек, мамлакатимизда психология соҳа- сида педагог кадрларни тайёрлаш, амалиёт- чи психологлар фаолиятини қўллаб-қувват- лашга оид бир қатор ишлар амалга оширил- моқда. Ҳозирги кунда мактабгача таълим ти- зими ва халқ таълими тизимида педагог-пси- холог лавозимлари жорий этилган. Қўллаб олий таълим муассасаларида “Психология”, “Педагогика ва психология” таълим йўналиш- лари ташкил этилиб, ушбу соҳадаги қабул квоталари оширилган.

Тадбирда соҳада олиб борилаётган ишлар қўламини қарамай, жамиятда ижтимоий-пси- хологик, жумладан, оливий муаммолар, “оммавий маданият” салбий таъсирига тушиб қолиш ҳолатлари учраб турганилиги, шунинг- дек, етарлича билим-малакага эга бўлмаддан туриб, “психолог” макomini ноқонуний ўзла- штириб олаётган кимсалар фаолияти оммала- шиб бораётганлиги алоҳида қайд этилди.

Мутахассислар томонидан ижтимоий тар- моқлар орқали ўзини “психолог” сифатида таништиратган ва бу турдаги хизматларни тақдим этаётган шахслар, авваламбор, маз- кур йўналишда олий таълим ва психологик ёрдам кўрсатиш ҳуқуқини берувчи тегишли

Шахноза ХОЛМАҲАМАТОВА,
ЎзЛиДеП фракцияси аъзоси:

“Психологик хизмат” тушунчаси ҳуқуқий-нор- матив ҳужжатлар билан белгилаб қўйилмагани ва амалиётчи психолог- лар реестри мавжуд эмаслиги улар фаоли- ятини назорат қилишда қийинчиликларни юзага келтирмоқда”.

хужжатга эга бўлишга оид талабни қонунчи- ликда белгилаш лозимлиги таъкидланди. Шу- нингдек, айрим олий таълим муассасалари- да ташкил этилган қисқа муддатли Психо- логоларни тайёрлаш курслари тижоратга ай- ланиб кетаётгани танқид қилинди.

Иштирокчилар томонидан психолог-мута- хассисларни тайёрлаш ҳамда лицензиялаш борасидаги хорийқ таъжриба таққилдан ўтка- зилди. Хусусан, Европа давлатларида психо- логик таълим даври 3 йилдан 5 йилгача бўлган муддатни ташкил этиши айтилди.

Давра сўхбатида, шунингдек, амалиётчи- психологларнинг фаолиятини лицензиялаш масаласи ҳам қизгин муҳокама этилди. Шу билан бирга, аҳолига малакали психологик ёрдам кўрсатишга доир фаолиятни тартибга солишга қаратилган қонунларни ишлаб чи- қиш юзасидан тегишли тақлиф ва тавсиялар берилди.

«Халқ сўзи».

БИЗ – ДУНЁГА, ДУНЁ – БИЗГА ОЧИҚ БЎЛИШИ КЕРАК

Президентимиз қўйган бу талаб Ўзбекистоннинг халқаро муносабатлардаги устувор тамойилидир

Аслида, бу механизмни тат- биқ этиш гоёси ХХ асрнинг 60-йилларида БМТнинг Савдо ва тараққиёт конференцияси (UNCTAD) доирасида илгари сурилган. Қўланган асосий мақсад ривожланаётган мамла- катларнинг жаҳон бозорларига ҳеч қан- дай тўсиқларсиз кириб боришини таъ- минлаш, уларнинг ташқи савдо муно- сабатларини фаоллаштириш эди.

Кейинчалик Тарифлар ва савдо бўйи- ча бош битим (ГАТТ), Жаҳон савдо ташкилотиде ривожланган ва ривож- ланаётган мамлакатлар ўртасида сав- до алоқаларини қучайтириш чоралари кўрилди. Бундай давлатлардан товар- лар киришини янада осонлаштириш усуллари такомиллаштирилди.

Преференциялар бош тизими қандай қулайликка эга?

Гап шундаки, у ривожланаётган дав- латлар учун бозорга кўпрок имтиёзли киришини таъминлайди. Бу эса бенефи- циар мамлакатларнинг Тарифлар ва савдо бўйича бош битим — Жаҳон сав- до ташкилотининг “энг кўп қулайлик ре- жими”дан чиқишга сабаб бўлади.

Чунки Преференциялар бош тизими бўйича бозорга кириш етти еки ноль фоиз ставкаларни ташкил этса, “энг кўп қулайлик режими”да бу кўрсаткич ўн фоизга тенг. “GSP+” эса савдо сиёса- ти воситаси ўларок, ривожланаётган мамлакатлардан олиб кирилаётган то- варларни божжона божларидан озод қилишни назарда тутади. Бу орқали бе- нефициар давлатларнинг иқтисодий ри- вожланиши ва уларнинг экспорт сало- хиётини оширишга ёрдам бериш мақ- сад қилинган.

“GSP+”нинг асоси — “GSP” стандарт преференциялар тизими. “GSP”да бе- нефициар мамлакатлардан импорт қилинадиган маҳсулотларга нисбатан божжона тўловларини 66 фоизга паса- йитиш белгиланган бўлса, “GSP+” им- тиёз олган давлатлар томонидан ме- хнатни муҳофазе қилиш, инсон ҳуқуқла- ри, самарали бошқарув ва атроф-му- ҳитни ҳимоя қилиш соҳасидаги 27 та халқаро конвенция талабларига риоя этиш шартли билан божсиз савдони на- зарда тутади.

Экспортда ўсиш динамикаси

Миллий маҳсулотларимизга хориж- дан харидор топиш осон эмас, албат- та. Ундан ҳам қийини — жаҳон бозори- даги ўрнимизни мустаҳкамлаш. Бу экс- портадги ўсиш динамикасини таъмин- ловчи омил. Шу сабабли ташқи савдо- ни ривожлантириш масаласи давлати- мизнинг алоҳида эътиборида.

Бунинг учун Президентимиз томони- дан миллий иқтисодиётда чуқур тарки- бий ислохотлар орқали узок муддатли барқарор ўсишга эришишнинг қатор му- ҳим йўналишлари белгилаб берилган. Энг асосий вазифалардан бири — янги экспорт бозорларига кириш.

Бу борада Жаҳон савдо ташкилоти- га аъзолик масаласи ва Европа Итти- фоқи билан кенг қамровли ҳамкорлик

бўйича ишларни фаоллаштириш ҳамда “GSP+” доирасидаги имтиёزلарни мам- лакатимизда самарали қўллаш учун алоҳида дастур ишлаб чиқиш муҳим. Ҳозир бу каби долзарб масалаларни ҳал этиш учун тегишли чора-тадбир- лар ижросига киришилган.

Хусусан, 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг та- раққиёт стратегиясида экспортчи корхо- наларга кўрсатилаётган ташкилий ва мо- лиявий ёрдам бериш тизимини такомил- лаштириш белгиланган. Экспорт тарки- биде тайёр ва яримтайёр маҳсулотлар ҳажмини 3,3 баравар қўлайитириш, Евро- па давлатларига “GSP+” тизими доира- сида тайёр товарлар етказиб беришни кенгайтириш мақсад қилинган.

Мана, ҳадемай Ўзбекистон учун ЕИнинг барқарор ривожланиш ва са- марали бошқарув бўйича махсус им- тиёзлар тизими — “GSP+” кучга кирга- нига уч йил тўлади. Бу орқали мамла- катимиз “GSP” қамраб олаётган махсу- лотларнинг учдан икки қисмига тариф- ларни тўлиқ бекор қилиш асносида қўшимча имтиёزلарга эга бўлди. Ўз навбатида, бу ташқи савдо ҳажми ва экспорт салоҳиятини ошириш учун қулай имкониятдир.

Божсиз савдо бизга нима беради?

Ўзбекистон 2021 йилнинг 10 апрел- ларига Преференциялар бош тизими доирасидаги имтиёзларга мувофиқ, божжона божларисиз 3000, пасаитрил- ган бож ставкалари асосида 3200 тур- даги маҳсулотни Европа Иттифоқига экспорт қилиш имкониятига эга эди.

Сўнг юртимиз “GSP+” тизимига қўшилган Арманистон, Боливия, Кабо- Верде, Мўғулистон, Қирғизистон, По- кистон, Филиппин ва Шри-Ланка каби давлатлар қатори маҳаллий ишлаб чи- карувчиларимизга имтиёзли шартлар- да евроҳудуд бозорларига кириш учун кенг йўл очилди.

Натижада юртимиз ЕИ мамлакатла- рига 6200 турдаги товарларни божжона божларисиз сотиш ҳуқуқига эга бўлди. Шу тариха тўқимачилик маҳсулотлари, қурилиш материаллари, пойабзаллар, озиқ-овқат, қишлоқ ҳўжалиги товарла- ри, транспорт воситалари, сопол ва ме- талл буюмлар, нефть ва кимё саноати маҳсулотлари, минерал ўғитлар ҳамда технология ускуналар божжона божи тўлашдан озод этилди.

Табиики, бу орқали маҳсулотлари- миз таннаҳи псайиб, уларнинг жаҳон бозоридеги рақобатбардорлиги ошмоқ- да. Шунингдек, ташқи савдо алоқа- ларимизни янада ривожлантириш ҳамда экспорт салоҳиятини юксалтириш учун қулай шароит яратилляпти.

Ўзбекистоннинг “GSP+” тизими бе- нефициари макомига эга бўлишнинг, ав- вало, юртимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг халқаро даражадаги эътирофи сифати- да баҳолаш ўринли. Қолаверса, бу мам- лакатимизнинг Европа Иттифоқи дав- латлари билан ўзаро ҳамкорлигини яна- да ривожлантириб, Жаҳон савдо таш- килотига аъзоликка киришдаги имко- ниятларини кенгайтиради. Ўз навбати-

да, тақдим этилган имтиёзлар маҳал- лий ишлаб чиқарувчиларнинг хориждан янги харидорлар топишга хизмат қи- лиши билан аҳамиятлидир.

Ишлаб чиқарувчиларимиз учун рағбатлантирувчи омил

Эришилган марралар қиёсларда якқолрок намойн бўлади.

Эътибор беринг, 2016 йилда Ўзе- бекистоннинг Европа Иттифоқи билан то- вар айирбоишлаш ҳажми қарийб 1,98 миллиард долларни ташкил этган бўлса, 2022 йилда мазкур кўрсаткич 4,5 миллиард долларга етган.

Яна бир муҳим далил: “GSP+” од- дий савдо воситасидан кўра муҳимрок. Тизимга қўшилаётганда мамлакатлар инсон ва меҳнат ҳуқуқлари, атроф-му- ҳит ва иқлим муҳофазаси ҳамда си- фатли бошқарувга оид 27 асосий халқ- аро конвенцияни самарали амалга оши- риш мажбуриятини зиммасига олади. Табиийки, бу — тараққий этган давлат- лар сафига қўшилишни мақсад қилган мамлакатимизнинг ислохотларни жа- даллаштириш борасидаги интилишла- рига ҳамоҳанг.

Президентимиз томонидан 2021 йил 6 апрелда қабул қилинган “Ташқи сав- до фаолияти иштирокчиларини қўллаб- қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирла- ри тўғрисида”ги ҳамда 8 апрелда им- золанган “Тадбиркорлик муҳитини яхшилаш ва ҳусусий секторни ривож- лантириш орқали барқарор иқтисодий ўсиш учун шарт-шароитлар яратиш бо- расидаги навбатдаги ислохотлар тўғри- сида”ги фармонлари бу борадаги иш- ларни янги босқичга олиб чиқишда му- ҳим ҳуқуқий асос вазифасини ўятапти.

Хусусан, 6 апрелдаги Фармонга му- вофиқ, 2022 йил 1 апрелдан 2023 йил 1 апрелга қадар маҳаллий корхоналар- га Европа Иттифоқи давлатларига юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар- ни экспорт қилишда ташқи харажат- ларини 70 фоизгача компенсация қилишга субсидиялар тақдим этилди. Ваҳоланки, ўша пайтгача бу миқдор 50 фоизгача эди.

Ана шу имтиёзлар тўғрйли қўнха қитъа бозорларига экспорт ҳажми се- зиларли даражада ошди. Шу билан бирга, “GSP+” тизими ишлаб чиқарув- чиларимизни ташқи савдо фаолиятига жалб қилиш ва тайёрланаётган маҳсу- лотлар сифатини оширишда рағбатлан- тирувчи омил бўлиб хизмат қилди.

Президент қандай тақлифларни илгари сурди?

Давлатимиз раҳбари “Марказий Осиё — ЕИ” иқкинчи саммитида сўзла- ган нутқида минтақамизда Европа Иттифоқи талабларига мувофиқ замо- навий лабораториялар, стандартлашти- риш ва сертифициатлаш марказлари тар- моғини яратиш, ташқи бозорларда иш- лаши учун экспорт қилувчиларнинг би- лим ва салоҳиятини ривожлантириш, Европа компанияларининг минтақа мамлакатлари савдо имкониятлари ҳақида хабардорлигини оширишга қаратилган тадбирлар ўтказиш каби ма- салаларга тўхталди.



Ўз навбатида, уларни самарали ҳал этиш учун мамлакатларимиз экспорт ва импорт қилувчи корхоналарини қўллаб- қувватлаш комплекс дастурини бирга- ликда ишлаб чиқишни тақлиф этди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон ва Ев- ропа Иттифоқи ўртасида кенгайтирил- ган шериклик ва ҳамкорлик тўғрисида- ги битимни қабул қилиш жараёни тез фурсатда ажунланиши ҳам ушбу вази- фанинг ижросига хизмат қилади. ЕИ то- монидан берилаётган имтиёزلарнинг самарасини ошириш ва барқарор иқти- содий ўсишни таъминлаш учун ўзаро болганган транспорт йўлакларини шакллантириш лозим.

Марказий Осиё ва Европанинг транс- порт-коммуникациявий боғлиқлигини, энг аввало, “Ўрта йўлак” деб ном ол- ган Транскаспий транзит йўлагини шакллантириш орқали ривожлантириш мақсадига мамлакатларимизнинг сайё- ҳаракатларини бирлаштириш муҳим.

Таъкидлаш жоизки, ушбу лойиҳа ўтган йили Самарқанда ўтказилган Европа тикланиш ва тараққиёт банки бошқарувчилари учрашувиде пухта таҳ- лил қилинди. Таассуфки, ушбу магист- раль рақобатбардорлигини ошириш масаласида ўзаро мувофиқлашган ёндашув ҳалигача мавжуд эмас.

Бугун юк ташимнинг асосий ҳажми- ни ҳосил қилаётган бизнес учун ман- фаатли бўлган тарифлар керак. Бирок таҳлиллар кўрсатаётганидек, ушбу йўналишдаги жорий тариф ва йиғим- лар, масалан, муқобил бўлган Шимол — Жануб йўналишларидегидаан 1,5 ба- робар баланд.

Транспорт-логистика ва порт ин- фратузилмаларини юклар оқимининг прогноз қилинаётган ўсишига мос ра- вишда кенгайтириш ҳамда йўл қопла- масининг техник ҳолатини яхшилаш ма- салалари ҳам муҳим аҳамиятга эга. Шу муносабат билан Транскаспий йўнали- салоҳиятидан фойдаланишнинг дўмий, тасдиқан механизмини яратиш мақ- садга мувофиқ.

Инвестициявий ва технологик шериклик муҳим

Ўзбекистон етатқисчи “Марказий Осиё — Европа Иттифоқи” иқтисодий форуми доирасида ҳар йили саноат- технология кўрсаларини ўтказиш ма- саласини илгари сурди.

Бинобарин, давлатимиз Европа ин- вестиция банки билан биргаликда қўнха қитъанинг етатқи компаниялари ишлаб чиқариш қувватларини минтақага қўчи- риш жараёнида уларни молиявий

Қисқа сатрларда

ТУРИЗМ МУТАХАССИСЛАРИ ФОРУМИ ЎТКАЗИЛДИ

Пойтахтимизда 21 февраль — Халқаро гидлар кўни муносабати билан VII Ўзбекистон гидлар фору- ми ўтказилди.

300 дан ортиқ иштирокчилар — тажрибали гидлар, туризм соҳаси мутахассислари, давлат ташкилот- лари, фан ва таълим муассасалари вакиллари ҳам бўлган ушбу тадбир экскурсия соҳасида таъриба ва би- лим алмашинуви, туризм индустрия- сининг муҳим йўналишлари ва ис- тиболлари муҳокамаси, шунингдек, чет эл сайёҳлик ташкилотлари би- лан ҳамкорликни мустаҳкамлаш им- конини берди.

ЁШ ШАХМАТЧИЛАР БАҲСИ

Халқаро шахмат академиясида 8 ёшдан 12 ёшгача бўлган ўғил- қизлар ўртасида Ўзбекистон чемпионати баҳслари бошланди. Унда 239 нафар иштирокчи шахматнинг стандарт, рапид ва блиц йўналишларида ўз маҳоратини намойиш қилади.

Кеча чемпионатнинг тантанали очилиш маросимидан сўнг 1-тур ўйинлари ўтказилди. Стандарт йўна- лишидаги баҳслар 29 февралга қадар давом этади. Шундан сўнг ёш шахматчилар рапид (1 март) ҳамда блиц (2 март) йўналишлари- да курашин давом эттиради.

Мусобақа голиб ва совриндор- лари 2 март куни тақдирланади.

ҲАРБИЙЛАР СПОРТ ҲАФТАЛИГИ

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги қўшинларида ҳарбий-амалий ва олимпий спорт турларини ривожлантириш, ҳарбий хизматчилар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, энг сара спортчиларни танлаб олиш ва уларни рағбатлантириш мақсадиде Шимоли-ғарбий ҳарбий округида “Армия спорти ҳафталиги” жорий этилиб, умумармия спорт мусобақалари ўтказилди.

Спортга меҳр қўйган 100 дан зиёд ҳарбий хизматчиларни ўзида бирлаштирган мусобақаларда “Армия кўл жанги”, “Ҳарбий-спорт комплекси кўпкураши”, “Офицерлар уч-кураши” ва “Отиш спорти” бўйи- ча ўзаро куч синашилди.

«Халқ сўзи» ва ЎА хабарлари асосида тайёрланди.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бож муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 242. 17 579 нусxada босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетани ҳақиқати маълумотларини оқиб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; котибхона 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-55.

Тахририятта келган қўёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаавобгар.

Газета тахририят компьютер марказида терминал ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланган.

Газетанинг полиграфия ҳиждатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” наприёт-матбаа акциядорлик компанияси масула. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислон Каримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — Ф. Бозоров.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” наприёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 02.15 Топширилди — 03.20 1 2 3 4 5 6